

**“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси
Расулов Шухрат Гайратовичнинг жамияти раҳбарлари, ишчи-
ходимлари ҳамда филиал раҳбарлари ва суғурта
марказлари ходимлари ҳамда ҳамкорларга
М У Р О Ж А А Т И**

Коррупцияга қарши курашиш – барчанинг масъулияти ва мажбурияти,
бу йўлда барчамиз бирлашайлик!

Хурматли “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг раҳбарлари,
ишчи-ходимлари ҳамда филиал раҳбарлари ва суғурта марказлари ходимлари,
кадрли ҳамкорлар!

2025 йил 26 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат
Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси эълон
қилинди.

Дунё тажрибаси тараққий этган аксарият мамлакатларда давлат
бошлиғининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий, долзарб
ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий масалалар ҳамда жамиятни
демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш амалиёти
мавжуд эканини кўрсатади.

Давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномаси дастурий сиёсий-
ҳуқуқий ҳужжатдир: биринчидан, Мурожаатномада Президентнинг
мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар
бўйича нуқтаи назари баён қилинади; иккинчидан, сиёсий, иқтисодий, ғоявий-
мафкуравий қоидалар билан бир қаторда, парламентнинг қонун ижодкорлиги
фаолиятига тааллуқли аниқ таклифлар айтилади; учинчидан, Президентнинг
парламентга Мурожаатномаси жаҳон конституциявий амалиётида ҳокимият
ваколатлари бўлиниши принципини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий
институтдир.

Давлат раҳбари мурожаатномада Комплаенс ва коррупцияга қарши
ички назорат кучайтирилишини таъкидлаб ўтди.

“Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун
устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини
заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса
ислохотларимизга хиёнатдир! Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026-йилда
“фавқулодда ҳолат” эълон қиламиз”, – деди давлатимиз раҳбари.

Мурожаатномадан келиб чиқиб, 2025 йил 30-декабрь куни Ўзбекистон
Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг
олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш
тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармони қабул қилинди.

Сўнгги йилларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш
нафақат давлат сиёсати, балки ҳар бир ташкилот ва ҳар бир фуқаронинг
виждон олдидаги бурчига айланди.

Шу боисдан ҳам бу иллатга қарши мурасасиз кураш Давлатимиз
раҳбарининг бевосита раҳнамолигида давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Айнан шу мақсадда жамият томонидан тузиладиган барча шартнома ва битимларига “Коррупцияга қарши қоидалар” бўлими киритилди.

Бундан ташқари ишга қабул қилинган янги ходимлар, жамиятнинг Одоб-ахлоқ Кодекси, Коррупцияга қарши сиёсати, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, совғалар сиёсати каби энг муҳим ва асосий ички ҳужжатлар, қоидалар, соҳага оид ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти билан бевосита таништирилади.

Хурматли жамият ходимлари, қадрдон ҳамкорлар Коррупцияга қарши курашиш вазифаси фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёхуд назорат органларининг вазифаси деб ҳисобласак, менимча нотўғри фикрга бориб хатоликка йўл қўйган бўламиз.

Бу иллатга қарши курашиш – умуммиллий вазифа. Ҳар бир виждон соҳибининг онгли танлови, кундалик турмуш тарзининг бош мезони бўлиши лозим деб ҳисоблайман.

Ҳар бир раҳбар, ишчи ва ходим ўз меҳнат фаолияти ва кундалик ҳаётида қонун ва қоидаларга қатъий амал қилса, ҳалолликни ўзининг инсоний бурчи деб ҳисобласа, ҳар қандай ноқонуний ҳолатларга нисбатан тоқатсиз муносабатни амалда намоён қилса, аҳил ва меҳнаткаш жамоамизда ҳалоллик муҳити янада мустаҳкамланади деб ҳисоблайман.

“Ўзагросуғурта” АЖ
Бошқаруви раиси



Ш.Г. Расулов